

Ақийда дарслари (166-дарс). Нубувват ва рисолатнинг маъноси нима?



17:31 / 17.01.2022 3124

Ҳозирда араб тилидаги «нубувват» ва «рисолат» сўзларининг ўрнига бизнинг араб бўлмаган тилларда бир сўз – «пайғамбарлик» сўзи ишлатиладиган бўлиб қолган. «Набий»ни ҳам пайғамбар дейилаверади, «расул»ни ҳам пайғамбар дейилаверади.

Эҳтимол, бу икки маъно бир-бирига ўта яқин бўлганлигидан шундай бўлгандир. Аслида Аллоҳ таоло Қуръони Каримга ихтиёр қилган араб тилидаги бу икки сўзнинг ўзига хос ва дақиқ маънолари бор.

«Нубувват» луғатда «наба» – «муҳим хабар бериш» ва «нубу» – «юқорилаш» деган маъноларни билдиради.

Нубувват Аллоҳ таолодан бўлган хабарнинг ваҳий йўли ила У Зот Ўзи бандалари ичидан танлаб олган шахсга етишидир. Бинобарин, Набий Аллоҳдан муҳим хабар олган ва мартабаси юқори шахс бўлади.

«Рисолат» эса луғатда бир нарсани лутф ила юборишга ишлатилади. Арабларда бировга юборилган мактубни ҳам «рисола» дейилади. Биров томонидан юборилган элчига ҳам «расул» дейилади.

Шундан келиб чиқиб, Аллоҳ таоло юборган муайян диний таълимотлар тўплами – «рисолат» дейилади. Уни одамларга ўргатиш амр қилинган элчиси «расул» дейилади.

Юқорида зикр этилган маънолардан «набий» ва «расул» орасида фарқ борлиги келиб чиқади. Бу фарқни уламоларимиз ўта дақиқ жойларигача ажратиб берганлар.

Жумладан, «Шарҳи талхийси ақоиди Таҳовийя» номли китобда қуйидагилар келтирилган.

Набий ва Расул орасидаги фарқ ҳақида бир неча фикрлар зикр қилинган:

1. Аллоҳ кимга осмондан хабар берса-ю, ўша хабарни бошқаларга етказишни амр қилса, ўша одам набий ва расулдир. Аммо бошқаларга етказишни амр қилмаса, набийдир, расул эмас.

Хулоса шулки, расул ўзига келган пайғамбарликни ўзгаларга етказишга амр қилингандир. Набий эса бунга амр қилинмагандир. У пайғамбарликни бошқаларга етказадими, етказмайдими, барибир.

2. Расул умумий бўлиб, фаришталардан ҳам, башардан ҳам бўлаверади. Аллоҳ таоло Қуръонда:

مَرِك ل و س ر ل و ق ل ن

«**Албатта, у** (Қуръон) **ҳурматли элчининг сўзидир**» деганда Жаброил алайҳиссаломни ирода қилган (*Таквир сураси, 19-оят*).

مُه ل ا ن ي ل و ا و ت ا ي ا ب ب د ك و ا ا ب د ك ه ل ل ا ل ع ي ر ت ف ا ن ن م م م ل ط ا ن م ف
ا م ن ي ا ا و ل ا ق م ه ن و ف و ت ي ا ن ل س ر م ه ت ا ج ا ذ ا ي ت ح ب ا ت ك ل ل ا ن م م ه ب ي ص ن
م ه ن ا م ه س ف ن ا ع ل ع ا و د ه ش و ا ن ع ا و ل ص ا و ل ا ق ه ل ل ا ن و د ن م ن و ع د ت م ت ن ك
ن ي ر ف ا ك ا و ن ا ك

«...**элчиларимиз келиб, уларнинг жонларини олаётиб...**» деганда ҳам фаришталарни ирода қилган (*Аъроф сураси, 37-оят*).

3. Расул янги шариат билан келади. Набий янги шариат билан келмайди. Балки, олдинги шариатга амал қилади ва ўзгаларни ҳам ўшанга амал қилишга чақиради».

Ушбу мавзуда яна бир қўшимча маълумот ва мулоҳазани зикр қилиб ўтишга тўғри келади. Қуръони Каримда «Расул» ва «набий» сўзлари кўп келади. Жумладан, бу икки сўз Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ҳам ишлатилади. Аммо бу сўзларнинг ишлатилишида нозик маънолар борлиги мулоҳаза қилинади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан «набий» сўзи ўттиз марта атрофида ишлатилган бўлса, асосан, ўзаро инсоний алоқалар, никоҳ, мерос ва ўлжаларни тақсимлаш каби масалаларда ишлатилган.

Бинобарин, бу икки сўзни таржима қилишда ҳам шунга эътибор бермоғимиз лозим бўлади. Иложи бўлса, «Расул»ни пайғамбар деб таржима қилсак ҳам, «набий»ни таржима қилмай, ўз ўрнида қолдирганимиз маъқул бўлади.

Икки маънони қўшиб баён қилишда эса «пайғамбар» лафзи ишлатилса, бўлаверади.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди